O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Наврўзи олам муборак!

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 21-mart, chorshanba, 12 (342)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Бетакрор Наврўз кунларида шу муқаддас тупроқда яшаб ўтган аждодларимиз, буюк алломалар, азиз-авлиёларимиз, ота-боболаримизнинг, юртимизда тинчлик-хотиржамлик бўлсин, элимизни файзу барака, хосият тарк этмасин, сувимиз, ҳосилимиз мўл бўлсин, дала ишларини бошлаётган деҳқонларимизнинг бахтини, омадини берсин, деган тилак ва дуоларнинг ижобат бўлиши барчамизнинг юрагимизга малҳам беради.

Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги сўзидан

САХОВАТ БАЙРАМИ

Азалдан халқимиз табиат уйғонадиган сафоли кунларни шодлик билан нишонлаган. Ҳар йилгидек бу йил ҳам юртимизнинг барча гўшаларида бу муборак айём тантанали тарзда ўтказилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз байрамига бағишланган байрам сайли ҳам ўзгача шукуҳ ва тароват билан ўтди.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари , тадбиркорлар, муҳтарам отахонлару онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрдилар.

Сайлгоҳ узра чорлов мусиқаси янграб Президентимиз Ислом Каримов минбарга таклиф этилди. Мамлакатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан мубароқбод этди. Шундан сўнг майдон узра майин най навоси таралди. Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси байрам тантаналарини бошлаб берди.

Куйлар қўшиқларга уланди. Санъат усталари ва эстрада юлдузларининг чиқишлари қалбларни тўлқинлантирди. Янграган куй- қўшиқларда она-Ватан мадҳи тараннум этилди.

Шундай кунларда аждодлардан мерос ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғуси руҳимизга янада теранроқ сингиётгандек. Балки наврўз шодиёналарининг кўрку таровати ҳам аслида шундадир?!

Кўнгилларни яшнатиб, дилларга кўклам сурурини олиб кираётган хуш насимлар Наврўз хабарини олиб келди. Майсалар орасидан бўй чўзиб, қуёшдек кулган қоқигуллару бойчечакларгача сизни табриклаётгандек.

Бугун юртимизда нишонланаётган улуғ айём ҳаммамизга ҳам бирдек суюмли. Бу байрамда миллий анъаналаримиз, удумларимиз яна бўй-бастини кўрсатгандек бўлади. Наврўзнинг халқона руҳи партиямиз дастуридаги ғояларга ҳамоҳангдир. Миллий қадриятларимиз қадр топиб, ёшу қарининг қувончига қувонч қўшаётган бир кунда севинмай бўладими? Яхши кунларда яхши ният қилаётган, эл-юртга омонлик тилаётганлар бор бўлсин!

Барча-барчани Наврўзи Олам билан самимий муборакбод этамиз. Баҳорнинг бетакрор байрами хонадонингизга тинчлик, кўнглингизга хотиржамлик, баҳор нафасини олиб кирсин!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши

ПАРТИЯНИНГ ЯНГИ ТИМСОЛИ

Кундан-кунга партиямизнинг ҳар жабҳада янгиланиш, ривожланиш сари юз тутаётгани қувончли ҳол.

Яқинда партиямизнинг янги рамзи Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтди.

Янги рамзда кўкка парвоз қилаётган кабутар акс эттирилган.

Кабутар азалдан тинчлик, эзгулик рамзи. Унинг кўкка парвоз қилиши — юксакка интилиш, яъни тараққиёт сари халқимизнинг илдам одимлаши. Кабутар қанотидаги уч хил ранг — юртимиз байроғи тимсоли. Кабутарнинг қизғиш кўзлари — юлдузлар рамзи, яъни орзулар сари чорлаётган маёқни билдиради.

Рамзга яхлит қаралганда, у маъқулловчи овоз бераётган инсон қўли — бешта бармоқни англатади, яъни бизга овоз беринг, биз билан бирга бўлинг, деган маънога эга. Кўк айлана теграсида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси деган ёзув партия рамзидан порлаб турган нурни эслатади.

Қишнинг қаҳри сокин, аммо беомон — қалбни қовжиратар, сўрар қувватни. Мана, сузиб чиқди унинг тубидан тириклик — Баҳорнинг зангор сурати...

Қаҳратон қишнинг рутубатли ҳавосидан димиққан кўнглинг таниш бўйни ҳис қилиб, қувониб кетади. Деразанг тирқишидан майин эпкинлар сузиб киради хонангга. Шу пайт ўзинг-да сезмаган ҳолда ширин энтикасан: «Яна баҳор!» Бу — кўнглингда баҳор тантана қилган биринчи тонг.

Ҳар йили шундай бўлади: баҳор келишини интиқлик билан кутамиз, унинг яқинлигидан руҳимиз енгил тортади ва шууримизга ойдинлик югуради. Эҳтимол, одамзотнинг янгиланишга, яшаришга, муҳими яшашга бўлган иштиёқи боис шундайдир.

Яна баҳор келди. Унинг ташрифи ташна юракларга умид уруғини қадади.

Эзгулик ойёми

Яна кўчалар ёқасини, ариқлар лабини ям-яшил майсалар қоплади. Новдаларда тизилган куртаклар ўз-ўзини кўз-кўз қилишга жазм этди. Яна қушларнинг шўх нағмаси атрофга ёйилди.

Буларнинг бари ёруғ қалбларга тантаналар шукуҳини солади. Аслида, ўзбекнинг ҳар куни тўй, ҳар куни байрам.

Наврўз — йилнинг тўнғич тантанаси. Эзгу ишларнинг рўёбига қўйилган дастлабки қадам.

Нуроний боболарнинг, дуогўй момоларнинг бойчечак тутган қўллари дуога очиқ: «Омонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик...»

Дошқозон атрофига жам бўлган қиз-жувонларнинг юзида баҳорий кайфият. Қувноқ болакайларнинг ҳавода саф тортган варраклари болаликнинг беғубор соғинчини ёдга солади.

Наврўз кечаги куннинг барча ташвишларинию гиналарини, ҳасрату андуҳларини ортга ташлаб, зада юракларни покланишга ундайди.

Баҳорнинг ўзи катта қувонч, унинг байрамлари ҳам ўзидек суюмли, сўлим. Ўзидек қадим анъаналари ҳам. Халқимиз эса ҳамиша қадим урф-одатларини, қадриятларини кўч қорачиғидек асраб-авайлаб, авлодларга мерос қолдириб келган донишманд халқ. Наврўз ҳам ота-боболаримиздан қолган мерос, бебаҳо қадрият. У фақат тантана қилиш учунгина нишонланмайди. Наврўзда, наврўз арафаларида дўсту ёрлардан, қариндош-уруғлардан, яқинлардан хабар олинади, урушганлар ярашади, дилларга ёруғлик тўлади. Наврўз — чин меҳр-муҳаббат, самимият тантанаси!

Бугун юртимизда Наврўзи олам нафаси. Унинг шукуҳи ҳар бир дилни забт этган. Кўнгиллар меҳрга, муҳаббатга, эзгуликка интиқ. Бир-биримизга шу қутлуғ кунларда меҳр соғинайлик, муҳаббат соғинайлик. Бу кунлар ғанимат, лаҳзалар омонат. Ҳар онимизни самимият билан кечирайлик. Юракларда ҳамиша Баҳор, Наврўз сурури барқарор бўлсин!

КИМ НИМА ДЕДИ?

Иш бор жойда сокинлик бўлмайди, зиддият ҳам бўлади.Ана шу беҳаловат ва зиддиятли вазиятларда одамларни асрай билиш муҳим.

Мукамбар Азимова

Ижодкор асар яратар экан, ўз асари билан мухлислар қалбидан жой олишни орзу қилади. Мухлислар эса айни ижод намуналарини томоша қилишар экан, табиий саволлар пайдо бўлади. Шу саволлар асосида санъаткор ўз ижодида ўзгаришлар, янги истиқболлар яратади.

МУХЛИСЛАР ДИЛИДАГИ КЎРСАТУВ

Мен рассом сифатида доимий равишда матбуот, телевидение орқали бериладиган ижодкорлар ҳақидаги чиқишларни муттасил кузатиб бораман. Кейинги пайтларда рассомлар ҳақидаги кўрсатувлар камайиб бораётгандек эди, назаримда. Кўрсатувлар санъат асарларининг халқ орасига кириб боришида муҳим аҳамият касб этади. Янги санъат йўналишлари, ўзига хос асарлар мухлисларга тушунарли бўлиши учун кўпроқ тарғибот-ташвиқот қилиш керакдек. **Ушбу саволларимга яқинда «Тошкент» телерадиоканали орқали намойиш этилган «Рангин лаҳзалар» кўрсатувидан жавоб топгандек бўлдим.** Муаллифлар Ҳасанбой Сатторов, Ортиқали Қозоқов, режиссёр Бахтиёр Холиқов ҳамкорлигида тайёрланган кўрсатувда устоз ва шогирд мулоқоти аҳамиятга молик. Бу кўрсатув орқали мухлислар кўплаб саволларига жавоб топади, қизиқ томонларини ўзлари учун кашф этади. Кўрсатув жонли, қизиқарли чиққан. Айни шундай кўрсатувлар жуда зарур.

Унда янги услубдаги ижодий лабораторияни ўзига хослиги яхши танланган. Кўрсатувни рассомнинг ўзи олиб бориши янада яхши. Сабаби, ижодкор барибир ижодкор-да, қизиқарли томонларни очишга ҳаракат қилади. Кўрсатувимизга бугунги кунда телевиденияда олиб борилаётган янги ислоҳотларнинг меваси сифатида қараш мумкин. Кўрсатувни Рассомчилик коллежидан тайёрланганлиги ҳам мени қувонтирди. Ёшлар– бизнинг келажагимиз, санъатимиз давомчилари. Бу кўрсатувларда иштирок этиш уларнинг ҳаётида ҳам ўзига хос маънода ўзгариш ясайди. Кенг жамоатчиликка санъат асарларини намоён этишда ва уларни ҳис этишни тарбиялашда ҳам муҳимдир. Санъатнинг турли йўналишлари– ҳайкалтарошлик, графика, плакат сингари кўплаб турларини одамлар орасида тарғибот қилишда ҳам шундай кўрсатувлар рассомлар дилидаги, ижодидаги ўзига хос қирралар ва янгиликларни томошабинларга етказишда айни биз орзу қилган кўрсатув бўлибди.

Кўпроқ устоз рассомлар,шунингдек, ёш, энди санъат оламига кириб келаётган ижодкорлар ҳақида кўрсатувлар тайёрлашса, янада яхши бўлар эди. Мен ушбу кўрсатув ижодкорларини табриклаб, келгуси ишларида муваффақият тилайман. Келгусида томошабинларнинг севимли кўрсатуви бўлиб қолишига ишонаман. Зеро, рангин олам қалбимизнинг рангидир.

Анвар МИРСОАТОВ,
Ўзбекистон халқ рассоми

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг кўп минг сонли аъзолари қаторида бўлиш биз учун қатта масъулиятдир. Жамоат ишида ташаббускорлик, ҳамжиҳатлик, фидойилик зарур бўлгани учун ҳам ҳар биримиз бор имкониятларимиздан унумли фойдаланиб, зиёли деган номга муносиб бўлишимиз, партиямиз ғояларига содиқлик билан ёндашиб ишлашимиз керак, деб ўйлайман.

ИШИМИЗДА САМАРА БЎЛСИН

Партиямизнинг вилоят ва туман кенгашларида, суҳбат ва учрашувлар ташкил қилиш билан халқ орасига янада яқинроқ кириб боришга интилиш бўлаётганидек, ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши иши ҳам кундан-кунга жонланиб бормоқда. Партия фаоллари билан жойларда учрашувлар, мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Ҳар бир ўтказилган тадбир бесамар кетмаяпти. Партиямиз сафларига янги аъзолар қабул қилинмоқда. Партия аъзолари сафини билимли ва салоҳиятли ёшлар билан тўлдириб бориш барчамизнинг бурчимиздир.

Партиядошларимиз сафида турли хил касб эгалари бор. Ҳаммамиз ҳам бир муштарак мақсадни — эл-юрт фаровонлигини кўзлаб яшамоқдамиз. Шундай экан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг мавқеи янада баланд бўлиши, партиядошларимиз сонининг ортиб боришида ҳар биримизнинг ҳиссамиз бўлмоғи керак. Мустақил давлатимиз янгиланиш, тараққиёт йўлидан дадил одимлар билан бораётган бир пайтда бизнинг фидойилигимиз катта аҳамиятга эга эканлигини унутмайлик. Бугун жамиятга ҳур фикрли, маънавияти юксак ҳамда амалий ишлари билан эл орасида ишонч қозона оладиган фидойи, жонкуяр кишилар кўпроқ зарур.

Партиянинг мақсади ва вазифалари миллий қадриятларни эъзозлаш ҳамда ёшлар онгига миллий ўзликни сингдиришда, уларнинг дунёқарашини ўстиришда яқиндан ёрдам беришдан иборат. Партиямиз сафида миллатпарвар кишилар йиғилган, улар билан бир сафда туриб ишлаш дилимда фахр ҳиссини уйғотади. 2006 йил ҳомийлик ва халқ саломатлиги учун саъй-ҳаракатлар янада авж оладиган йил. Албатта, бу йилда партиявий ишларимизни ҳам янги босқичга кўтарамиз. Жорий йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб номланиши барча шифокорлар сингари мени ҳам руҳлантириб юборди. Касбимизнинг ҳаётдаги аҳамиятини янада чуқурроқ англай бошладик. Ҳаётда инсон учун энг муҳим нарса саломатлик. Соғ-саломат инсонгина яхши яшашга интилади, бошқалар учун ҳам фойдали, манфаатли ишлар қилади. Демак, ёшларимизнинг жисмонан соғлом бўлиш билан бирга руҳан соғлом бўлиши ҳам бизнинг интилиш ва ҳаракатларимиз, меҳнатимиз самарасига боғлиқ экан.

Партиядошларимиз орасида Ватан, эл-юрт манфаатлари йўлида жонкуярлик, фидойилик билан ишлаётганлар жуда кўп. ЎзМТДП миллатнинг энг илғор қатламини бирлаштирган катта кучдир.

Бизга билдирилаётган ишончни оқлашга интилиб яшайлик.

Дилбар ҚОБУЛОВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши аъзоси

Миллий тиклаиш — миллат кредиди
MILLIY TIKLANISH

ТИЛ БИЛГАНГА ДУНЁ КЕНГ

ёки Республика Тил ўқитиш маркази фаолиятидан

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА —

Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Аббос Ирискулов 1962 йилда Чет тиллар институтини аъло баҳолар билан тугатиб, Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб Ҳиндистонга ишга юборилган. 1971 йилда Москва чет тиллар институти аспирантурасини тугатиб, номзодлик ишини ёклаган. Шу йилдан ўзи ўқиган институтда фаолият бошлаб, декан ўринбосари, проректор лавозимларида ишлаган. 1991 йилдан буён Республика Тил ўқитиш маркази директори вазифасида ишлаб келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистондаги инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси раиси ҳамдир.

А.Ирискулов бир неча хорижий мамлакатлар, шаҳарлар, жумладан, Англия, АҚШ, Венгрия, Словения, Малайзия, Филиппин, Манилада бўлиб, тажриба алмашиб қайтган. Бундан ташқари, ҳар йили хорижда ўтказиладиган конференцияларнинг доимий иштирокчиси.

Ҳозиргача 2 та луғат, «Тилшуносликка кириш», «Инглиз тили амалий фонетикаси» номли ҳамда олий ўқув юртларининг 3-4 курслари учун ёзилган дарсликлар муаллифи. Республикада биринчи бор ЎзДЖТУнинг бакалавриат курслари учун янгича метод асосида ёзилган, бугунги кунда синовда бўлган ўқув қўлланма ҳамда яқин кунларда нашрдан чиқадиган «Инглиз тилининг назарий грамматикаси" каби китобларнинг ҳам муаллифидир.

— Замон билан ҳамқадам, тараққиётнинг барча жабҳалардаги ютуқларидан ҳамиша хабардор бўлишни истаган инсон кўплаб манбалар қаторида, албатта, чет тилларини билиши ҳам катта аҳамиятга эга. Шу маънода сиз раҳбарлик қилаётган марказ ҳам шу мақсадлар йўлида ташкилланган, десак муболаға бўлмас.

— Ҳа, албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 29 июлдаги қарори билан ЎзДЖТУ қошида ташкил топган Республика Тил ўқитиш марказида, асосан, чет тилларини ўрганишни истаган ёшлар, ишчи ёшларни қисқа муддатли курсларда ўқитиш, ўзлари хоҳлаган хорижий тилни ўргатиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Марказимизда 3, 5, 10 ойлик курсларда инглиз, немис, француз, испан ва грек тиллари ўргатилади. 3 ойлик курслар 1 йилда тўрт маротаба, 5 ойлик курслар 2 марта, 10 ойлик курслар йилда бир марта, 20 майдан 20 августгача фаолият кўрсатадиган курслар эса таътилдаги ўқувчиларнинг чет тилларини ўрганишларида қулайлик яратиш учун ташкил этилади.

Бундан ташқари, махсус ўзбек ва рус тили кафедраларида хорижликларга мазкур тилларни ўргатиш йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили 30-40 нафарга яқин хорижликлар ўқитилади.

— Бугунги кунда турли тил ўргатиш курслари кўпайиб кетган. Рақобат ҳам, тарғибот ҳам шунга яраша. Демоқчиманки, Тил ўқитиш марказига ўқувчиларнинг талаби қандай?

— Кўнгилдагидек. Масалан, ташкил этилган йили марказ ўқувчилари сони 400 тани ташкил этган бўлса, 1992 йилдан бошлаб 1100-1200 нафардан ош бўлмаган. Айниқса, 10 ойлик курсларга талаб катта. Чунки мазкур курсларда 10 ой давомида махсус олий ўқув юртларининг 2 йиллик программаси ўтилади.

Дарслар замонавий интерактив-комуникатив метод асосида олиб борилади. Бу дегани ўқувчи биринчи кунданоқ чет тилида гапиришга ўргатилади. Чет тилининг фонетик ва грамматик асослари бирга олиб борилади. Бизнинг марказдаги курслар бошқа курслардан шуниси билан фарқ қилади.

— Замонавий методлар асосида ўқитиладиган дарслар нафақат ўрганувчидан, балки устозлардан ҳам катта билим ва масъулият талаб этади. Демак, марказдаги ўқитувчилар фаолияти ҳам шу асосда йўлга қўйилган, шундай эмасми?

— Тўғри. Марказда бугунги кунда 70 га яқин ўқитувчи фаолият юритаётган бўлса, уларнинг аксарияти марказ ташкилланганидан буён шу ерда ишлаётган, кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилар. Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияси ҳам ўзимизнинг бинода жойлашган бўлиб, марказ ўқитувчиларининг малака ошириш курсларини ҳам ўзимизда ўтайдилар. Бу ассоциациянинг малака ошириш курслари асосида ҳар ҳафтанинг жума кунида семинар тренинглар ўтказилади. Семинарлар амалий машғулотлар кўринишида олиб борилади.

Шу ўринда айтиб ўтишим керакки, ЎзДЖТУ қошида "Инглиз тилини замонавий метод асосида ўқитиш бўлими" ташкил этилган. Фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтган бу бўлимда дарслар фақат инглиз тилида олиб борилади, ҳатто ўзаро, танаффус пайтидаги суҳбатлар ҳам шу тилда бўлади ва бу усул тез орада ўз самарасини беради. Шунинг учун ҳам истиқболда бу замонавий методни бутун республикада, олий ўқув юртларида тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Юқорида қайд этилган бир ҳафтада бир марта ўтказиладиган семинар машғулотларини мазкур бўлимнинг етакчи ўқитувчилари хорижий мамлакатлардан ўрганиб қайтган тажрибалари, замонавий методлар асосида олиб борадилар ва бу инглиз тили ўқитувчилари фаолиятига ижобий таъсир қилади.

Умуман олганда, юртимиз ёшларининг бугунги интилишлари, замон билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилишлари таҳсинга лойиқ.

— Бугунги кунда ўқитиш тизимидаги муаммолардан бири дарсликлар етишмаслигидир. Марказда бу муаммони ҳал этиш юзасидан қандай ишлар қилинмоқда?

— Асосан ўзимизда ва хорижда чоп қилинган адабиётлардан фойдаланамиз. 3 ойлик курслар учун ўзимизда ёзилган дарсликлар қўлланилади. Шу билан бирга, махсус кафедра учун «Марҳамат» деб номланган, хорижликлар учун «Ўзбек тили» ва «Рус тили» номли ўқув қўлланмалари марказимиз ўқитувчилари томонидан тайёрланган.

Албатта, дарсларни хорижда, энг замонавий методлар асосида нашр этилган қўлланмалар ёрдамида ўқитиш мақсадга мувофиқдир, лекин ўзимизнинг имкониятлардан фойдаланиб ҳам бу ишни амалга ошириш мумкин.

— Сиз хорижий мамлакатларда бир неча бор бўлгансиз, у ердаги шароит, турмуш тарзи, ёшларининг ҳаёти билан танишсиз. Кўп элларни кезган инсонларда эса қиёслаш имконияти кўпроқ бўлади. Фаолиятингиз асосан ёшлар билан бўлгани сабабли бугунги кун ўзбек ёшлари, уларнинг бошқа мамлакатлар ёшларидан фарқли томонлари ҳақида нима дея оласиз? Умуман, бугунги ўзбек ёшларидан кўнглингиз тўладими?

— Ёшлар ҳамиша жамиятнинг энг илғор қатлами, деб ҳисоблаб келинган. Мени энг қувонтиргани бизнинг миллатгагина хос хусусият бўлган ўз халқига, миллатига ҳурмат, анъаналарга садоқат туйғулари ёшларимизнинг қон-қонига сингиб кетганидир.

Тан олиш керакки, бутун дунё бўйлаб кечаётган глобаллашув жараёнида бу анъаналарни сақлаб қолиш қийин, жуда қийин. Хорижий мамлакатларда бўлганимда кўп гувоҳи бўлганман буни.

Бизнинг ёшларга хос бундай ижобий фазилатларни Ҳиндистонда, оз бўлса-да Малайзия, Миср, Қоҳира, асосан, Шарқ мамлакатлари ёшларида кўрганман. Бу ҳолатдан фақат қувонаман. Ҳамма нарсанинг, хусусан, одамнинг ҳам яхши томонлари билан бирга ёмон томонлари бўлади. Шу фикрдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, ҳадеб ёшларнинг ёмон томонлари ҳақида гапириб, айблайвериш ҳам ярамайди. Ҳамма жойда ҳам майда-чуйда гаплар бўлади, лекин хулосани буларга асосланиб чиқариш нотўғри.

Умуман олганда, юртимиз ёшларининг бугунги интилишлари, замон билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилишлари таҳсинга лойиқ. Ҳукуматимиз томонидан уларга берилаётган эътиборни, айниқса, маънавият ва маърифат сабоқлари бўйича олиб борилаётган ишларни эътироф этиш керакки, бу юртимиз келажагини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган энг эзгу ислоҳотдир. Қувонарлиси, ёшларимиз ўзларига бўлган эътиборга лойиқ бўлишга интилишмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни жоиз деб биламан. Бугунги кундаги барча қийинчиликлар, муаммолар ўз вақти билан ҳал бўлиб боради. Таъбир жоиз бўлса, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бири АҚШнинг бугунги даражага етиши учун 230 йил керак бўлган. Бизнинг истиқлолга эришганимизга эса эндигина 15 йил бўлди. Лекин мана шу қисқа вақт ичидаги муаммолар ҳақида гапирганда, эришган ютуқларимизни ҳам унутмаслик керак. Йиллар ўтган сари эса ҳаммаси яхши бўлиб боради. Бунинг учун атрофда бўлаётган ишларга тафаккур нигоҳи билан боқа олиш, келажакка ишонч билан қараш лозим. Айниқса, ёшларимизни шу ишонч ҳеч қачон тарк этмасин!

Зумрад ВАҲОБОВА
суҳбатлашди

Саломатлик бурчаги

Яратганнинг бизга берган неъматлари ичида кўздек улуғи бўлмаса керак. Чунки кўз билан биз ёруғ оламни, ундаги мўъжизаларни, бизга ибрат бўладиган воқеа ва ҳодисаларни кўриб, ақлимиз билан хулоса чиқарамиз. Хўш, танамиздаги бу мураккаб аъзо ҳақида нималарни биламиз? Баъзи болаларда узоқни яхши кўраолмаслик ҳолатлари учрайди. Бу қандай кассалик? Унинг келиб чиқиш сабаблари нимада? Бу касалликнинг қандай олдини олиш мумкин?

Кўз кассаликлари шифокори Зулфия АБИДОВА мана шулар ҳақида сўзлаб берди.

МИОПИЯ НИМА?

Кўз касалликлари ичида кенг тарқалгани узоқни яхши кўра олмаслик, медицина тили билан айтганда миопиядир. Унинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, кўпинча наслдан наслга ўтади. Болаларнинг яқин масофадан телевизор кўришлари, мунтазам равишда компьютер олдида ўтиришлари, қоидаларига риоя қилмасдан кўп китоб ўқишлари ҳам бу касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Мактаб ёшидаги болаларда бу касалликнинг ривожланиши юқори бўлади. Чунки ўсмир болалар организмида гормонал ўзгаришлар тез содир бўлади.

Фарзандида миопия аломатларини сезган ота-оналар уларни дарҳол шифокор ҳузурига олиб бориб, тегишли маслаҳатлар олишлари керак. Бундай ҳолатларда ота-оналар фарзандларига янада эътиборлироқ бўлишлари талаб этилади. Уларни 3 ёшидан бошлаб то 18-19 ёшга тўлгунча йилда 4 марта кўз шифокори назоратидан ўтказиб туришлари керак бўлади. Бу касаллик билан хасталанган болаларнинг ота-оналари баъзан болалари махсус кўзойнак тақишларини, яъни фарзандларининг бошқа болалардан ажраб туришларини хоҳлашмайди. Бу эса боланинг кўзини янада зўриқтириб, дарсларни ўзлаштиришида бир қанча қийинчилик туғдиради.

Ҳозирда узоқни кўришга ёрдам берадиган махсус контакт линзалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар фойдаланиш учун жуда қулай.

Кўпинча транспортда мутолаа қилиб кетаётган ёшларга кўзимиз тушади. Транспортда китоб ўқишнинг кўзга салбий таъсири бор. Чунки бу ҳолатда масофа тез-тез ўзгариб туради. Бунинг оқибатида кўз мушаклари таранглашади ва кўзнинг меъёрий фаолияти бузилади. Умуман, боланинг қандай ҳолатда китоб ўқиётганига жиддий эътибор бериш лозим. Баъзи болалар китобни ётган ҳолда ўқишади. Бу ҳолатнинг ҳам кўзга салбий таъсири бор. Болаларнинг дарс тайёрлайдиган хоналари яхши ёритилган бўлиб, китоб ўқиётганда, ёруғлик доим уларнинг чап томонидан тушиб туриши керак. Миопияси бор болалар спорт турларидан сузиш, чанғида учиш, стол тенниси билан шуғулланиши фойдалидир.Оғир атлетика машғулотлари, яъни тош кўтариш,узоққа югуриш каби спорт ўйинлари билан шуғулланишлари ярамайди. Улар мунтазам равишда кун тартибига риоя қилиши, кўпроқ очиқ ҳавода сайр қилиши, дарс тайёрлаш, китоб ўқишни доимо режалаштиришлари керак.

Муҳаммад СИДДИҚ
ёзиб олди

«Ок олтин» хирмонларингиз юксалаверсин!

Самарқанд вилояти
«ПАХТАСАНОАТ»
ҳудудий акционерлик бирлашмаси

қўли қадоғу қалби қайноқ деҳқонлар, меҳнаткаш халқимизни баҳорнинг ўзидек сулув байрам — Наврўз айёми билан самимий табриклайди!

Самарқанд шаҳридаги Сиёб педагогика касб-ҳунар коллежи жамоаси

Ўзбекистон халқини, юртимиз меҳмонларини Наврўз байрами билан муборакбод этади!

"Қорақалпоқпахтасаноат" ҳиссадорлик бирлашмаси

барча юртдошларимизни Наврўзи Олам байрами билан муборакбод этади! Қорақалпоғистонлик пахтакор деҳқонлар ўтган йили мисли кўрилмаган меҳнат ғалабасига эришишди. Бу йил ҳам ҳалол меҳнатингиз билан бунёд бўладиган улкан хирмонлар хонадо-нингизга қут-барака олиб кирсин!

Милий тиклиниш — миллат келажаги
MILLIY TIKLANISH
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ma'naviy gazetasi

• *Севги саргузаштлари*

Хабиб ТЕМИРОВ

МАКРИМ Ё ҲАББАТ?

«Нўён афанди, дегани Абдувалининг ўртоғи бўлса керак», деб ўйлади Меҳри Латифа хонимнинг ишораси билан оппоқ машинанинг орқа ўриндиғига ўтираркан.

Шаҳарнинг денгиз соҳилига туташ мавзесидаги ўн беш қаватли муҳташам мусофирхона «Кумуш қирғоқ» деб аталаркан. Энг юқори — ўн бешинчи қаватдаги кенг, шинам бир хонага жойлашишди.

— Ўз уйингиздек ҳис қилинг, — деди Латифа хоним. — Бу ател Нўён афандига қарашли. Ул жаноб сизлар билан кечқурун денгиз қирғоғидаги шахсий кемасида учрашади.

«Ажабо, шахсий мусофирхона, хусусий кема... Ким экан бу сирли Нўён афанди?»

Латифахоним уларни жойлаштириб бўлгач, меҳмонхона ресторанига олиб тушди. Тушлик қилишди. Сўнгра хонага чиқиб, иккиуч соат дам олишди. Соат олтида яна хоним ҳамроҳлигида машинага ўтириб, денгиз соҳили бўйлаб, бандаргоҳ томон кетишди. Қайиққа минишиб, оппоқ, мўъжаз яхта ёнига сузиб келишди. Яхта палубасида стол қўйилиб, дастурхон тузалган, бир ёш йигит қўлида сочиқ билан хизматга шай турибди.

Хоним уларни кемага чиқариб, қайиқда ортга қайтиб кетди. Кема ичкарисидан ёши элликларни қоралаган, сочлари мошгуруч, оқ кўйлак, оқ шим кийган бир одам чиқиб келди.

Меҳри бу одамни илгари бир-икки марта кўрганини эслади. Қаерда, қачон, дея хотираси қатларини титкилади.

— Бекарға аввара бўлманг, барибир эслалмайсиз, мени илгари қачон кўрганингизди, — деди у одам. Меҳри ҳайратга тушди: «кўнглингдан нима кечганигача биладими бу одам».

— Сиз Абдували акамнинг хорижлик дўстисиз, шундайми? — деб сўради Меҳри.

— Ҳа, шундай десангизам майли, — деди у одам.

— Исмингизни айтмаганди у одам.

— Мени бу ерда Нўён афанди, дейишади. Сиз учун шунчаки оддийгина Нўён ака бўлақолай.

— Исмингиз қизиқ экан. Мен бунақа исмни ҳеч эшитмаганман.

Афанди томоғини силаб қўйиб, кулди.

— Ўзим ҳам эшитмаганман. Аслида исмим Нўъмон. Қишлоғимиздаги саводи зўр бир хотиннинг марҳаматиминан Нўён бўп қоғон. Қани энди дастурхонга қарайиқ. Сен ўғлим, анови амакингминан кемани томоша қип ке, — деди у Меҳрининг ўғлига ўгирилиб. Ёдгор суюниб, онасига қаради. Онасидан рухсат олгач, оқ кийимли мастрос ҳамроҳлигида кемани томоша қилгани кетди.

Шундан Нўён афанди мақсадга кўчди.

— Мен сизди бир кўрган заҳотим суйиб қолғанман, Меҳрихон. Мен сизди... тўйингизда қатнашғанман. Эрингизди куни калта экан. Ўзиға ўзи қип кетди, болапақир. Енди-и ўтган ишға салобот. Бўғани-бўлди. Енди мен сизди бахтли қиламан... Мени моли давлатим етти пуштингизға етади.

— Телефондаги овоз ҳам... сиз экансиз-да, — деди Меҳри биринчи марта ростакамига ҳайратга тушиб.

— Менидим. Мен ўзи бирон аялға тилпонда гапирмағанман. Истағон аялимди йигитларим ҳозиру нозир қилиб келади. Сизди... суйганим учун ўзим тилпон қиғанман.

— Бундан чиқди... Абдували ака ҳам... сиз учун югуриб юрган экан-да?

— Бўлмасамчи? Абдувалини ўзим катта қиғанманғў! У менинг қияматли укамғў!

Меҳри ўйланиб қолди. Нима дейишга ҳайрон эди. Чексиз куч-қудрат, беҳад молу давлатга эга бўлган бу одамга «йўқ», дейишнинг фойдаси борми? У бунга қулоқ соладими? Гапларининг маъносидан кўриниб турибдики, у масалани аллақачон ҳал этиб бўлган. Энди шунчаки расмийлаштириш қолган холос. Абдувалининг ботинолмагани сабаби ҳам энди аниқ бўлди. «Илтимос, дўстимнинг гапидан чиқманг», деганида шуни назарда тутган эканда!

— Майли, мен розиман! — деди Меҳри аввалига жаҳл билан. Лекин жаҳли чиққанини афандига сездирмасликка уринди. Ҳозир «ўйлаб кўришга фурсат беринг», деса, унамаслиги аниқ. Шу боис розилик бериш ва... вақтдан ютишга ҳаракат қилиб кўриш керак. Ҳозир вазиятдан чиқиб олсин-чи, у ёғига Худо пошшо... Шуларни ўйлаб, у гапининг давомини имкон қадар юмшоқ, лекин қатъий қилиб айтди. — Фақат иккита шартим бор. Бу шартларни бажармасдан, ихтиёримга қарши менга зўравонлик билан эгалик қилишингиз ҳам мумкин, албатта. Сиз... қудратли одамсиз... Аммо шу икки шартимни бажарсангиз, ўз ихтиёрим билан сизники бўлишга розиман...

— Буюринг, ҳар қандай шартингиз бажарилади.

— Биринчиси – тўйимиз бу ерда эмас, ўз юртимизда бўлсин. Иккинчиси – тўйгача кўришмаслигимиз, учрашмаслигимиз керак. Тўй қилиб, никоҳлаб олмагунингизча сиз менга номаҳрамсиз.

Нўён афандига бу гап ёқмади, албатта. Қора денгиз бағридаги муҳташам кемасида, шоҳона оромгоҳда у Меҳрининг васлига, албатта етаман, деб аҳд этган бўлса керак. Аслида бу қадарлик асъасаю дабдабани ҳам у Меҳрини ҳайратда қолдириш ва розилигини олиш учун уюштирган эди. Ҳар қалай бу даражадаги «олиймақом қабул» Меҳрига етарлича таъсир этгани ва у шарт қўйиб бўлса-да, розилик бераётгани афандини хурсанд этди. Бу – бир. Иккинчи жиҳатдан афанди ушбу «қаллиқ ўйини»ни давом эттиргани сари завқланар, бу унга сирли ва қизиқарли туюлар, «агар висолига тез етишиб қўйсам, кейин қизиғи қолмаслиги мумкин», деб ўйлар, унинг бу ҳолати бозордан сотиб олган хўрозқандини ялашга шошилмаётган боланинг ҳолатига ўхшар эди.

— Яхши, – деди у, – тўйгача кўришмасак-кўришмабмиз-да. Аммо-лекин тўйни зўр қиламиз. Пойтахтдаги «Наврўз» ресторанида. Икки минг одам чақираман. Манаман, деган артистлар хизматда бўлади. Тўйга вазирларни, катта амалдорларни таклиф этамиз. Москвадан, Болтиқбўйидан дўстларим келишади... Аммо-лекин, келинлик либосларини... Париждан олиб келтирамиз. Йўқ-йўқ! Ўзингизди юбораман. Ўша бояғи Латифа хонимминан борасилар. Йигитларим олиб боришади... Йўл-йўлакай Берлинни, Германияни ҳам томоша қип келасилар... Қалай, бу план маъқулми?

— Маъқул, — деди Меҳри.

Шундан сўнг Нўён афандининг буйруғи билан Меҳри ва Ёдгорни моторли қайиққа миндириб, шаҳарга, кеча қўнган меҳмонхоналарига қайтариб олиб келишди.

Эртасига Меҳри билан Ёдгор Латифахоним ва икки соқчи йигит ҳамроҳлигида «Истамбул-Берлин» самолётида Германияга учиб кетишди. Берлинни уч кун айланишгач, Парижга йўл олишди ва у ерда бир ҳафта туришгач, буюртма берилган либосларни олиб, «Париж-Тошкент» йўналишидаги самолётга чиқишди.

(Давоми келгуси сонда)

(Боши ўтган сонларда)

Сабзавотлар шоҳи

Ҳаммамиз суйиб истеъмол қиладиган паловни сабзисиз тасаввур қилиб кўрганмисиз? Паловни палов қилиб турган асосий нарса ҳам сабзи. Паловнинг дони гуруч бўлса, қони ёғ, жони эса сабзидир, дейилади. Сўзимиз аслида сабзи ҳақида бораётган бўлса-да, биз уни паловдан бошладик. Чунки сабзидан тайёрланадиган таомлар ичида халқимизга энг суюмлиги, албатта, паловдир.

Сабзавотлар ичида энг сервитамини сабзи ҳисобланар экан. Соябонгулдошлар оиласига мансуб бу ўсимликнинг Қадимги тиббий китобларда одамнинг қонини тозаловчи шифобахш неъмат эканлиги айтилади. Сабзининг яшил барглари ҳам ўзига хос гўзалдир. Агар кўзингиз узоқ китоб ўқиш натижасида толиқса ва ҳиралаша бошласа, сабзининг барглларига термулиб ўтирсангиз, равшанлашар экан. Пазандачилигимизда сабзидан асал ёки шакар қўшиб, мураббо тайёрлаш усули ҳам қадимдан маълум. Инсоният сабзини уруғидан экиб кўпайтиришни ўрганиб олганига 4000 йилдан ортиқ вақт ўтибди. Ибтидоий даврларда яшаган одамлар илдизмевали барча ўсимликларни, жумладан, сабзини ердан суғуриб олиб, чайнаб кўриб, егулик нарса эканлигини аниқлаганлар. Эндиликда сабзининг юздан ортиқ нави мавжуд. Ҳажми жиҳатидан ҳам сабзи ҳар хил, унинг эрта баҳорда пишадиган, бармоқдай келадиган, майда, 20-25 граммлиги ҳамда кеч кузда пишиб етиладиган турилари мавжуд. Сабзининг ранги ҳам у ўстириладиган мамлакат иқлимидан келиб чиқиб, турличадир. Бизда унинг сариқ, оч қизил ранглиси етиштирилса, бошқа мамлакатларда редискага ўхшаган оқ сабзи, пушти ва сапсар рангдагилари ҳам бўларкан. Сабзини ўз табиатидан келиб чиқиб, ҳар бир вилоят ҳар хилини истеъмол қилар экан. Масалан, водий томонларда паловга сариқ сабзи ишлатилади. Тошкент вилоятида эса бунинг акси — кўпроқ қизил сабзидан фойдаланилади. Илгари кексаларимиз мурғак гўдакларга думба ёғли шўрвада қайнатилган ёки паловда дамланган бутун сабзини докага ўраб сўрдиришган экан. Ҳозирда олимларнинг аниқлашича, сабзидаги барча мавжуд витаминлар она сутига тенглаша оларкан. Ҳа, ота-буваларимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатларида ҳикмат бор. Улар билиб-билмай бир ишни қилмаган эканлар. Қизиғи — бу неъмат таркибида ҳали ўрганилмаган моддалар ҳам мавжудлиги. Яна сабзи шарбатидан жуда фойдали парҳез таом тайёрлаш мумкин экан. «Мажнун палов» деб номланган қадимий паловни дамлашда зирвакка сув эмас, сабзидан сиқиб олинган шарбат қуйилар экан. Бундай паловни ёш гўдаклардан тортиб қарияларгача, ҳатто беморлар ҳам истеъмол қилса, оғир ботмас экан.

Халқ табобатида сабзидан анчагина касалликларни даволашда фойдаланилади. Ёғлиқ гўшт билан қайнатилган сабзи юрак, қон, томир ва ичак касалликларида парҳез таом сифатида ишлатилади. Сабзи мураббоси сариқ касали ҳамда жигар ва буйрак хасталигига дори бўлади. Сабзи шарбати дармонсизланиш ва камқонликда қўлланилади. Бир дона хом сабзи ейиш билан ҳам жиғилдон қайнаши азобидан қутулишингиз мумкин.

Маълумотларни «Пазандачилик санъати» тўплами асосида
О.ЖАББОРОВ тайёрлади

Олмос

Олмос тошлар ичида энг мустаҳками бўлгани боис "тошлар қироли", "тошлар қуёши" деб ҳисоблаб келинган. Қадимда греклар унга "енгилмас" деб ном беришган. Бирдамлик ва илоҳий поклик белгиси, деб эътироф этилган.

Олмоснинг оқ, қора, пушти, сариқ, малла, кўк ва яшил рангдаги турлари мавжуд бўлиб, унинг барча турлари бошқа тошлар таъсирини кучайтиради, киши руҳияти ва танасига ижобий қувват беради. Киши танасидаги барча энергетик марказларни фаоллаштиради.

Шарқда олмосдан юракни қувватлантирувчи восита сифатида фойдаланиб келишган. Бунинг учун олмосни бир стакан сувга кечаси билан солиб қўйишиб, эртаси куни ушбу сувни бир неча бўлакка бўлиб ичишган.

Олмосни одатда эркаклар тоши, деб ҳисоблашган. Аёлларга тақиб юриш учун 30-35 ёшдан сўнг, яъни оила қуриб, ақлини таниб, ўйлаб, босиқ ҳулоса чиқарадиган ёшга етгач, рухсат беришган. Қизларга эса бу тошни тақиб юришга умуман рухсат беришмаган. Чунки олмос ҳомилага зарар келтиради ва туғишни қийинлаштиради, деб ҳисоблаб келишган. Яшил тусли олмос эса бепуштликнинг олдини олади ва туғишни осонлаштиради деб ҳисобланган.

Олмос ошқозон оғриғидан халос қилади. Руҳий ҳамда асаб касалликларида фойда қилади. Уйқусизликни бартараф этади.

Асаби таъсирчан одамларга ҳам олмос олиб юриш тавсия этилмайди. Бундай вазиятларда тошнинг эгаси худбин бўлиб қолади.

Манзура ШАМС тайёрлади

Ғаройиб рекорд

Халқ ичида ҳиқичоқ тутиб қолган кишига нисбатан «бировни ҳақини еб қўйибди», дейилади. АҚШнинг Айови шаҳрида яшовчи Чарлз Осборн кимнинг ҳақини еб қўйган эканки, 66 йилдан буён ҳиқичоқ билан овора.

Статистик маълумотлар билан қизиқувчиларнинг текширишича, Чарлз шу кунгача 430 миллион марта ҳиққиллабди. Бир марта ҳатто унинг ҳиқиллаши минутига 40 мартага етганмиш.

Бунинг сабаби шифокорлардан сўралганда, улар елка қисишдан нарига ўтолмаяптилар. Ҳозирда у 95 ёшга кирган бўлишига қарамай, ўзини жуда бардам ва тетик ҳис қилади.

Яна шифокорларнинг айтишича, ҳиқичоқ тутиши ҳам Чарлзнинг узоқ умр кўришига сабабмиш.

М.РАҲМАТОВ таржимаси

Лимон шарбати ракка қарши

Исроил аҳолиси сўнгги вақтда лимон мевасини истеъмол қилишни тез суръатда оширди. Бунга Бен Гурион илмий текшириш институтида ўтказилган тадқиқот иши сабабчи бўлди. Мазкур тажриба натижаларидан маълум бўлишича, лимон шарбати, шунингдек, таркибидаги эфир мойи, С витамини рак касалини юзага келтирувчи ҳужайраларни ўлдириш хусусиятига эга экан. Тажриба самараси билан танишган тиббиёт мутахассислари рак касалига дучор бўлган беморларга ҳар куни 8 стакан лимон қайнатмасини ичишни тавсия этмоқдалар.

МОҲИРА тайёрлади

Халқаро воқеалар

БЕЛОРУССИЯДА САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Белоруссия президентлиги учун ўтказилган сайловларда мамлакатнинг ҳозирги раҳбари — Александр Лукашенко ғалаба қозонди. Бу ҳақда душанба куни ўтказилган матбуот анжуманида марказий сайлов комиссияси раиси Людмила Ермошина маълум қилди.

МСК раисининг сўзларига қараганда, учинчи марта Белоруссия президенти этиб сайланган Александр Лукашенко сайловчиларнинг 82,6 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган. Оппозиция вакили Александр Милинкевич — 6 %, либерал-демократлар партияси етакчиси Сергей Гайдукевич — 3,5 %, «Грамада» социал-демократлар партияси раиси Александр Козулин — 2,3 % овоз тўплаган.

Сайлов ҳуқуқига эга аҳолининг 92,6 % сайловларда иштирок этган.

«Ҳеч қандай жиддий қоидабузарликлар қайд этилмади, ҳатто халқаро кузатувчилар томонидан ҳам», — таъкидлади Людмила Ермошина.

Журналистлар илтимосига кўра, оппозиция вакилларининг Минскдаги сайлов жараёнида жиддий қонунбузарлик ҳолатлари бўлганлиги ҳақидаги важларига тўхталар экан, МСК раиси шундай деган: «Ютқазишни ҳам эплаганга чиқарган. Шу жумладан, эркакларга ҳам».

«ХАМАС» ЯНГИ ҲУКУМАТ ТАРКИБИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Фаластин парламентига ўтказилган сайловларда ғалаба қозонган «Хамас» гуруҳи якшанба куни мухторият раҳбари Маҳмуд Аббосга ягона партия асосига қурилган мамлакатнинг янги ҳукумати таркибини тақдим этди.

Ғазо ҳудудида ўтказилган матбуот анжуманида Маҳмуд Аббос икки сутка ичида «Хамас»нинг бу таклифлари билан Фаластин озодлиги ташкилоти ижроқўмини таништиришни ва шундан сўнг янги министрлар рўйхатини тасдиқлаш учун Фаластин парламенти ихтиёрига юборишини маълум қилган.

«Кейин эса ҳукуматни шакллантириш ҳақида фармон чиқарилади ҳамда министрлар қасамёд қиладилар», — қайд этган Маҳмуд Аббос.

Фаластин партияларининг бирортаси, ҳатто «Фатҳ» ҳаракати ҳам «Хамас» билан коалицияга киришга рози бўлмади. Шундай қилиб, янги ҳукуматдаги 24 ўриннинг барчасини «Хамас»чилар ва мустақил сиёсатчилар бўлишиб олишган.

Бош вазир Исмоил Хания раҳбарлик қиладиган министрларнинг тўлиқ рўйхати ҳозирча маълум қилинмаган. Аммо хориж оммавий ахборот воситаларида ёзилишича, ташқи ишлар вазири этиб «Хамас» етакчиларидан бири Маҳмуд аз-Захар, ички ишлар вазири этиб Саид Сиам тайинланган.

Бўлажак ҳукуматнинг сиёсий дастури Исроил оккупациясига иложи бор барча чоралар билан қаршилик кўрсатиш ва фаластин-исроил шартномаларини текшириш ҳуқуқини кафолатлайди, шунингдек, Исроил давлати билан музокараларни фақатгина 1967 йилда эгалланган ҳудудлар, жумладан, Иерусалим озод қилинсагина олиб бориш мумкинлигини белгилайди.

ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШЛАР УМУММИЛЛИЙ ИШ ТАШЛАШЛАР БИЛАН АЛМАШИШИ МУМКИН

Париж шаҳрида меҳнат шартномасининг янги тури жорий этилиши атрофида аланга олган норозилик намойишлари давом этмоқда. Талабалар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, янги меҳнат қонунчилигини бекор қилишни талаб қилишмоқда. Якшанба куни талабалар ҳаракатига касаба уюшмалари ҳам қўшилганлиги ҳақида хабарлар тарқатилди.

Меҳнат конфедерацияси бош котиби Бернар Тибо Францияда умуммиллий иш ташлашлар ўтказилишини маълум қилган. Касаба уюшмалари етакчиси радиода чиқиш қилар экан, агарда ҳукумат «илк бора ишга ёллаш» дея ном олган қонунни бекор қилмаса, норозилик намойишлари ўтказилишини айтиб ўтган.

Ҳатто ҳукуматга қонунни бекор қилиш учун муддат ҳам берилган: 48 соат. Ўз талаблари жиддийлигини намойишчилар янги тўқнашувлар билан мустаҳкамлашган.

Маълумотларга қараганда, Франция шаҳарларида бўлиб ўтган норозилик намойишларида 80 мингдан 300 минггача одам иштирок этган.

Парижнинг энг катта Насьон майдонида бўлиб ўтган тинч руҳдаги намойишлар катта концерт дастури билан якунланиши керак эди, аммо у бир неча соатдан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан жанжалли тўқнашувларга айланиб кетди. Унда тахминан ярим миллион одам қатнашган. Намойишчилар томонидан полицияга қаратиб тош ва шиша буюмлар улоқтирилган, полиция эса намойишчиларга қарши ёшлантирувчи газдан фойдаланган. Хориж матбуотида эндиликда намойишчилар нафақат меҳнат қонунчилигини бекор қилиш, балки ҳукуматни тарқатиб юборишни ва янги президентлик сайловларини ўтказишни талаб этаётганлари ҳақида хабарлар тарқатилмоқда.

Париждаги жанжаллар натижасида 166 одам ҳибсга олинган, 7 нафар полиция ходими ва 17 нафар намойишчи яраланган.

Эслатиб ўтамиз, яқинда Францияда «Париж коммунаси»нинг 135 йиллиги нишонланганди.

АҲОЛИ ИРОҚДА УРУШНИ ТЎХТАТИШНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Ирокда жанглар бошланганининг уч йиллиги муносабати билан дунё бўйлаб аҳолининг норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда. Уларнинг энг каттаси АҚШда ўтказилди.

Қўшма штатлар бўйлаб ўтказилган норозилик намойишлари иштирокчилари Ирокда уруш ҳаракатларини тўхатишни талаб қилиш билан бирга, «Эронга тегмаслик»ни талаб қилишмоқда. Намойишчиларнинг қўлида «Эронга қарши уруш йўқ» қабилидаги плакатларни кўриш мумкин.

«Аммо Оқ уйни бу воқеалар эмас, президент рейтингининг 30 фоизгача тушиб кетганлиги кўпроқ безовта қилаяпти», — дейилади хориж матбуоти саҳифаларида.

Брюсселда ҳам шу мазмундаги намойишлар бўлиб ўтди. Бу шаҳардаги АҚШ элчихонаси олдида тўпланган уч мингдан зиёд одамлар Ирокдаги урушни тўхатиб, бу мамлакатдан чиқиб кетишни талаб қилишмоқда.

Интернет хабарлари асосида Али БОЙ тайёрлади

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси
MILLIY TIKLANISH
Таҳрир ҳайъати
Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80,
реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158
Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 523. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2117 Сотувда эркин нархда
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди 20.00